

Бобурподшоҳнинг опаси Хонзодабегим ва унинг ўгли, яъни Бобурнинг шайбонийзода жияни Хуррамшоҳ тақдири ҳақидаги маълумотлар талқини тарихий манбалар ҳамда ҳозирги замон бадиий адабиёти, илмий тадқиқотларда турли-туманлигини кўрамиз. Шу сабабли, гоҳо ўқувчиларимизни "Бобурнома" ёки Гулбаданбегимнинг "Хумоюннома" каби ўзбек тилида нашр қилинган асарлардан ташқари, ҳозирча чоп этилмаган бошқа ёзма манбаларда Бобурнинг бу қариндошлари тўғрисида яна қандай хабарлар борлиги қизиқтириши табиий ҳол. Бобурподшоҳ "мақбул ўғлон эди", дея таърифлаган Хуррамшоҳ ҳақида ўқувчи жуда кам маълумотга эга. Биз ушбу мақолада ана шу икки мавзуга тўхталиб, тарихий манбалар орқали воқеликка назар ташлаш ва ўқувчини бор ҳақиқатдан хабардор қилишни лозим топдик.

Хонзодабегим ва унинг ўгли Хуррамшоҳ тўғрисидаги илк маълумот "Бобурнома"да акс этиб, Хондамир "Ҳабиб ус-сияр"(1524), Муҳаммад Ҳайдар "Тарихи Рашидий"(1545)да бу борадаги фикрларини асосан "Бобурнома"дан иқтибос қилганлар, ўзларидан эса, кам янгилик қўшганлар. Бирок, қувонарлиси шуки, "Аҳсан ат-таворих", "Лаб ат-таворих", "Тарихи оламоройи Аббосий", "Тарихи Кипчокхоний", "Мажмаъ ул-гаройиб", "Мусаххир ил-билод", "Тазкирайи тарихи Муқимхоний" каби бошқа асарлар маълумотлари ҳам мазкур мавзудаги тасаввуримизни бойитишга хизмат қила олади.

"Бобурнома"нинг бизгача етиб келган нокис нусхаларида Хонзодабегимнинг Бобур Самарқандни сулҳ асосида ташлаб чиққан 1501 йил август ойида "Шайбонийхонга тушгани", яъни бу ғаними никоҳига қиргани қайд этилиб, опасининг 1510 йил декабрида эса Марвда шох Исмоил томонидан қатли олма дучор бўлмай, балки Бобурнинг опаси экани учун шох ташаббуси билан укаси Бобур мирзо олдиға юборилгани, опасининг Шайбонийхондан туккан "Хуррамшоҳ отлик мақбул ўғлон"ининг Балхда ҳоким бўлгани ва отаси халокати воқеасидан бир-икки йил ўтиб қазо қилгани қайд этилади, холос. "Тарихи Рашидий"да Хонзодабегимнинг тўрт-беш йилдан сўнг Шайбоний никоҳидан чиқарилиб, Ходихожа никоҳига қиритилгани, яна бир манбада эса бунга хоннинг Хонзодабегимдан захар беришда гумонсираши сабаб бўлгани кўрсатилган. Султон Муҳаммад Балхий "Мажмаъ ул-гаройиб"да ёзишича, унинг отаси Дарвиш Муҳаммад муфти Хуррамшоҳ саройида хизмат қилган. Муҳаммадёр ибн Араб Катаган қаламига мансуб "Мусаххир ил-билод" китобида Ходихожанинг қимлиги ва Хуррамшоҳнинг ҳукмдорлик фаолияти хусусида махсус, кенгрок маълумот берилган.

Кўрганимиздек, Бобур маълумотида Ходихожа номи тилға олинмайди ва Хуррамшоҳга Балх вилояти берилганидан бошқа факт қайд этилмайди. Бу қиска маълумотда Бобурнинг бу жиянини кўрган-кўрмагани аниқ эмас. Дейлик, мабодо, Бобур Хуррамшоҳ ҳақидаги кўпроқ маълумотни "Бобурнома"нинг бизгача етиб келмаган 1510 йил воқеалари баёнида зикр этган бўлса, у ҳолда бу асарнинг тўлиқ кўлёзма нусхаларига эга Хондамир ва Муҳаммад Ҳайдар ўз асарида мазкур маълумотларни нимага иқтибос қилишмаган?

Ёзувчи Пиримкул Кодировнинг "Юлдузли тунлар" романида Хонзодабегимнинг иккинчи никоҳи эсланмасдан, Хуррамшоҳнинг ҳам онаси билан бирга тоғаси Бобур олдиға Қундузга келгани тасвирланади. Хонзодабегимнинг Бобур билан учрашуви воқеаси "Бобурнома" маълумотиға асосланган бадиий талқиндир. Асар яратилиши чоғи форс тилидаги "Ҳабиб ус-сияр", "Тарихи Рашидий" каби яна ўнлаб ёзма манбалар қўл остида

бўлган шаркшунос тарихчи олим ва ёзувчи Пиримкул Кодиров Хуррамшоҳнинг Бобур билан мулокотини ана шу бадиий тўқима оркали акс эттиришни маъқул топган. Бадиий асарнинг йўриги бошқалиги учун ёзувчининг бунга ҳаққи бор. Андижонлик адиба Омина Тожибоева "Киёмат тақдир" хикоясида Хонзодабегимнинг Шайбонийхон никоҳидан чиқарилиб, унинг хизматидаги Зиё Ходи исми бир кекса рухоний билан турмуш қургани, бу рухоний жисмонан заиф бўлгани ва Бобурни ҳурмат қилгани юзасидан Хонзодабегимни ўз синглиси қаби асраб, фурсат топганида укаси Бобур олдига юборишни мўлжаллаб юриши, аммо Марв жангида Шайбонийхон билан бир сафда ўлдирилиб, унинг бу орзусини шох Исмоил амалга оширганини ўз бадиий талқинида ҳавола этади. Бу адиба ҳам Хуррамшоҳнинг тоғаси олдига Қундузга келганини хикоя қилади. Гарчи, ўрта аср қоидалари ўзгачалиги ва шохлар ҳаёти ҳам бошқача тарзда кечганини билсак-да, адибанинг бундай бадиий тўқима ва фаразидан максadini яхши тушуниб турибмиз; уни шундайлигича қабул қилиш ўқувчига ҳам малол келмайди.

Р.Шамсутдинов ва М.Абдуллаевнинг "Бобурнома"нинг йўқолган саҳифалари ҳусусида" номли мақоласида («Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни», 2008) эса "Хонзодабегимнинг Шайбонийхон 1510 йили ўлдирилгач, Бобур олдига келгани ва шундан сўнг Саййид Ходи исми киши билан никоҳдан ўтгани, аммо уларнинг турмуши узок давом этмагач, Хонзодабегимнинг Махдий Хожа билан турмуш қургани" тарихий факт сифатида ҳавола этилган.

Аслида тарихий воқелик қандай бўлган? Юқорида эслатилган ёзма манбалар бу тўғрида қуйидаги маълумотни беради: 1478 йили тугилган Хонзодабегим 1501 йилнинг августида Бобур ва Шайбонийхон ўртасида тузилган сулҳ битими шартига биноан(Т.Файзиев. Захириддин Мухаммад Бобур ва унинг авлодлари. "Ёзувчи", 1996) Самарқандда Шайбонийхон никоҳига қиради. Бу никоҳдан 1502 йил май ойида Хуррамшоҳ дунёга келади. Орадан уч-тўрт йил ўтгач, хон Хонзодабегимни захар беришда гумонсираб, ўз никоҳидан чиқаради. Қоидага биноан бева қолган сарой аёли бундай воқеадан сўнг ё эрсиз ўтиши ёки ҳукмдорнинг энг яқин қишисига тегиши лозим эди. Хонзодабегимни ўзидан узоклаштирган Шайбонийхон шу сабабли бевасининг ўз бўласи(ҳолаваҷчаси) Саййид Ходихожа бин Муртазохожа никоҳига қиришига розилик беради. Бу дашти-қипчоқлик саййидлар ҳонадони шажараси Саййид Ото (вафоти 1291 йил) орқали Ҳазрат Али бин Аби Толибга уланади. Саййид Ходихожа Шайбонийхоннинг ҳам бўласи, ҳам шижоатли амирларидан бири ҳисобланиб, ўша пайтда 50 ёшларда бўлган. Хонзодабегим эса, 28 ёшда эди. Шайбонийхон 1506 йилнинг 15 ноябрида Балхни эгаллаб, соғлом энагалар ва ҳарбий ишга мохир амирлар, яхши илмли устозлар қўлида тарбия топган қобилиятли ўғли Хуррамшоҳни Балх ва унинг музофотларига ҳоким қилиб тайинлайди. "Мусаххир ил-билод" муаллифи бу ҳақда шундай ёзади: "Ёш бўлгани учун ул шохзоданинг отолики мансабига Қанбар мирзо қўқалтош тайинланди. Ул яхши ҳислатли амир ҳамиша ўз марҳамати қаноти ва адолати соясини мазкур вилоят аҳолиси боши узра ёйди... Шунинг шарофатидан бутун Балх мамлақати ободончилик ва фаровонлик топди. Олий мартабали шохзода Хуррамшоҳнинг ёркин қўнгли ов ва шикор ҳавасига лим тўла, дили гулюзли ёшлар ва қуёшчехрали ботирлар билан суҳбат қурмок иштиёқи билан тўлиб-тошгани сабабли, қўп вақтини шикор нашидасини сурмок билан ўтқазарди. Доимо соядек отаси Шайбонийхон узангиси хизматида юрар, ҳеч қачон унинг буйруги ва фармонини бажармасдан қолмас, ҳеч бир сўзини икки қилмас эди...". "Мажмаъ ул-гаройиб"да айтилишича эса Хуррамшоҳ ўз атрофига ўқимишли ва фозил қишиларни

тўплаган. Кўринадики, довюрак ва яхши харбий таълим олган Хуррамшоҳ ёшлигига карамай отаси Шайбонийхон билан бирга Балх, Хиротни олиш жанглирида катнашган ҳамда давлат бошқариш сирларини ўрганган.

1507 йил июн ойида Машхад кўлга кириб, Шайбонийхон у ерга мазкур бўласи Саййид Ходихожани ҳоким қилиб тайинлайди ва Хонзодабегим ҳам Машхадда яшай бошлайди. Бирок орадан кўп ўтмай, аниқроғи, 1510 йил октябрида шох Исмоил Сафавий Хуросонга юриш қилади ва оз сонли кўшин билан Хиротда ўтирган Шайбонийхон урушга қулай жой сифатида Марвга чекинади. Сафавийлар кўшини Машхадга яқинлашгач, Хиротда қолган шу шаҳар доругаси Жон Вафобий дўрмон, Машхад ҳокими Саййид Ходихожа, Нисо ҳокими амир Муҳаммад Солиҳ ва Дурун ҳокими Подшоҳхожа (Хожа) қабилар ҳам Марвга келадилар. Шайбонийхон Балх, Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Туркистон кўшинларини ёрдамга чақирган бўлиб, Хуррамшоҳ дарҳол ўз кўшини билан отасига ёрдамга ошиқади. Бирок Шайбонийхон ёрдам қилишини қутмай, 1510 йилнинг 5 декабрида жангга киришиб, ҳалок бўлади. Бу жангда Саййид Ходихожа ҳам ўлдирилади. Исмоил Сафавий галаба қозонгач, Марв аҳолисини "қатли ом" қилдириб, беғуноҳ аҳоли бошларидан миноралар ясалади. Ана шундай бир пайтда Бухородан ёрдам учун қелган Убайдуллахон амакиси Шайбонийхон ҳарамдаги Бобур тоғасининг қизи Мўғулча хоним (Ойша султонбегим) бента Маҳмудхон Қошғарийни қутқариб, Бухорога олиб қочишга улгуради. Саййид Ходихожа угруқи (оиласи) эса асир тушиб, Хонзодабегимнинг Бобур синглиси экани маълум бўлгач, шох уни Бобур ҳузурига юборади. Бу пайтда 32 ёшга қирган Хонзодабегим шундан сўнг ҳеч қимга турмушга чиқмай, Бобур ва Ҳумоюн давлатининг жонқуяр маслаҳатчиси сифатида фаолият кўрсатганча 1544 йили Қобилхак мавзесида оламдан ўтиб, Қобулдаги Бобуршоҳ мақбарасига дафн қилинади.

"Мусаххир ил-билод" муаллифи Хуррамшоҳ ҳақида яна шундай ёзади: "Отаси Марв қамалида қолганда биринчи бўлиб шу Хуррамшоҳ Балх лашқари билан отаси ёрдамга ошиққан эди... Отаси дунёни шахидлик билан тарқ этгач, Хуррамшоҳ ҳам охираёт сари шитоб билан кетди. Хуррамшоҳдан насл қолмади".

Томирларида уч томонлама қинғизий ва теурийлар қони юриб турган Хуррамшоҳ шох Исмоил Балх сари юрмасдан бурун Самарқандга қайтади. У тоғаси сафавийлар ёрдамида Самарқандни эгаллаган 1511 йил қуздан олдин, яъни ўша йил ёзида Самарқандда ҳаётдан кўз юмади. Биламизқи, бу шаҳарда Бобур яна олти ой тахтда ўтирган. Айни қодисалар пайтида Самарқандда истиқомат қилиб турган ва ўша давр воқеаларини "Сулуқ ул-мулуқ" асари муқаддимасида ақс эттирган Рузбехон Исфохоний шайбонийларнинг Туркистонга қочиб қетгани, 1512 йил апрелида эса уларнинг яна қайтиб қелиб, Бухорога яқин Қўли Малик ёнидаги жангда Бобурни енгиб, мамлақатни қайтадан қўлга қиритгач, шаҳару туманларни ўзаро тақсимлашгани ҳамда Бобурнинг ўша давр ичидаги ҳуқмдорлик фаолиятини батафсил ёзиб, шайбоний хонзода ва султонлари номини бир-бир ва қайта-қайта тилга оларқан, Хуррамшоҳ номини бирон марта ҳам зикр этмайди. Агар Хуррамшоҳ бу пайтда тирик бўлганда унга ҳам она бошқа ақаси Теуур султон ва унинг ўғиллари, она бошқа уқаси Севинч Муҳаммад султон қабии Самарқанддаги шериклик тахти ёқи қамида бирор қилоят ва туман ҳоқимлиги берилгани қайд этилган бўларди. (Ақадемик Бўривой Аҳмедов ҳам "История Балха" қитобида тахлил ва изохсиз бўлса-да, Хуррамшоҳнинг тугилиш ва вафоти санасини 1502-1511 йиллар шаклида қўрсатган.)

Бобур ва унинг қариндошлари ёқи, умуман, тарихий сиймолар ҳақида фикр юритганда ёзма манбаларга мувожаат қилинса, ўтмиш ҳақидаги тасаввуримиз яна ҳам бойиган,

аждодларимиз хурмати ҳам жойига кўйилган ва тарихий хакикат ойдинлашган бўларди.

Исмоил Бекжон,
филология фанлари номзоди
«Маърифат» газетасидан олинди.